O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUB PALATASI
INV. №

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 21 апрель, № 76 (3875) Жума

Наманган санъат коллежи Фарғона водийсидаги нуфузли билим масканларидан бири ҳисобланади. Ушбу санъат ўчоғи ўтган давр мобайнида маданият муассасаларига минглаб малакали кадрларни етказиб берди.

Санъатимиз Ворислари

Ҳозирда коллежда 120 нафар ўқитувчи 500 га яқин ўқувчига илм ва санъат сирларидан сабоқ бермоқда. Билим даргоҳининг замонавий ўқув қуроллари ҳамда сўнгги русумдаги мусиқа асбоблари билан таъминлангани ўқувчиларнинг илм ва касб маҳоратлари ошишига хизмат қилмоқда. Санъат коллежида ўқувчилар торли, халқ чолғу асбоблари, замонавий ижрочилик, хореография, актёрлик каби йўналишлар бўйича таълим олишади. Шу билан бирга, улар республика ўрта махсус ўқув юртлари ўртасида ўтказилаётган ёш ижрочилар танловларида фаол иштирок этиб келаётир. Жумладан, ўтган йили коллежнинг 17 нафар ўқувчиси беш йўналиш бўйича ғолибликни қўлга киритди.

СУРАТЛАРДА: ўқувчилар машғулот ўтказишмоқда; санъат коллежи ўқувчиси Мавжуда Алимова.

Ҳотамжон МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Чорвачилик сердаромад бўлиши билан бирга, айни пайтда машаққатли соҳа ҳамдир. Аксарият кишиларнинг эътибор, рағбат бўлмагунча бу ишга қўл уришга ўзларида етарли куч ва имконият топа олишмаётганлигининг сабаби, эҳтимол, шундандир. Бироқ эндиликда бундай иккиланишларга асло ҳожат йўқ.

— Чунки Президентимизнинг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ўзини шу соҳага бағишлаш ниятида бўлган кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёз ва қулайликлар яратиб беришда дастуриламал вазифасини ўташи шубҳасиз, — дейди **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Улуғбек Вафоев.** — Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши аҳолини, айниқса, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва шу асосда оилалар даромадини оширишнинг муҳим шартларини ҳам белгилаб берди. У қорамол боқаётган деҳқон ва фермер хўжаликлари сонини кўпайтириш учун зарур ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни ҳам яратади. Эътиборли жиҳати шундаки, эндиликда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш билан банд шахслар, ўзлари етиштирган чорвачилик маҳсулотларидан қандай фойдаланганликларидан қатъи назар, иш билан таъминланган аҳоли тоифасига киритиладилар. Улар "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бунинг учун эса Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг камида 50 фоизи миқдорида ойлик суғурта бадаллари тўлаб туришлари лозим бўлади. Яъни, тахминан 5 минг сўм атрофида пул тўлаб турилиши эвазига "ишсиз"ликдан қутулишади, нафақа ёшига етганда эса давлат томонидан ижтимоий муҳофазага ҳам олинадилар. Бу жуда катта гап. Чунки бирор-бир касбнинг бошини тутолмаганидан хуноби чиқиб, ўзини "бекорчилик"дан айбдор ҳис қилиб юрганлар мана шу йўл билан ҳам келажакларини муносиб кафолатлашлари мумкин. Қарорнинг кенг жамоатчилик томонидан кўтаринки кайфият билан кутиб олиниши ҳам ана шу мақсадлар кўзлангани муҳим аҳамият касб этди, десак муболаға қилмаган бўламиз.

Халқимиз орасида "Яхшилик — иззат, сахийлик — улуғлик келтиради" деган ҳикмат бор. Ўзига хос чуқур маънога эга бундай даъватлар одамларимизни олижанобликка, савоб ишларни қилишга, бировларга меҳр-мурувват кўрсатишга ундайди. 2006 йилнинг мамлакатимизда "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилиниши ҳам ана шу азалий қадрият ва анъаналаримизнинг давомийлигини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз лозим. Қолаверса, Юртбошимизнинг бевосита ташаббуслари ва раҳнамоликларида амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотларнинг асосий тамойилларидан бири ҳам аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Долзарб мавзу

— **Яъни, биз сўз юритаётган қарор бандларидан бирида ҳам бевосита бу йилги Дастурдан келиб чиқиб қилиниши лозим бўлган муҳим тадбирларга урғу берилгани бежиз эмас. Шундай эмасми?**

— Албатта. Биласиз, оилада битта сигир бўлса, рўзғорга қанча барака киритади. Сут, қатиқ деганларидай. Даромади ҳам шунга яраша бўлади. Лекин ҳамманинг ҳам қорамол сотиб олиш имконияти йўқ-ку? Хўш, бундай кишилар нима қилишади? Улар ҳам яхши яшашга ҳақли-ку! Қарор қабул қилинишида айнан мана шу жиҳатлар пухта ўйланиб, алоҳида эътиборга олинган. Энди қишлоқ жойларидаги эҳтиёжманд ва кўп болали оилаларга, энг аввало, мактабгача ва мактаб ёшидаги фарзандлари бўлган оилаларга ҳар бир қишлоқ тумани бўйича камида 100-200 та сигирни бепул бериш кўзда тутилган. Бу — республикамиз бўйича тахминан 21 минг бошдан зиёд сигир деганидир. Оилалар қорамоллар сонини кўпайтириш ҳаракатида бўлишса, биринчи галда, ўзлари учун фойда эканлигини тушунишлари лозим.

(Давоми 2-бетда).

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг жорий йил биринчи чораги якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Ислоҳотлар кўлами кенгаймоқда

Чорак давомида ялпи ички маҳсулот 6 фоизга ўсди. Маҳаллий бюджетнинг даромадлар қисми режаси 103,3 фоизга бажарилди. 37 та йирик корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий аҳволи яхшиланди. Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш борасида муайян натижаларга эришилиб, чоракда фақатгина кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида 4702 та янги иш ўрни яратилди. Иқтисодиётдаги таркибий ислоҳотлар кўламларини кенгайтириш ва уни модернизация қилиш мақсадида 34 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар чуқурлаштирилмоқда. Истиқболсиз 20 та ширкат хўжалиги негизида 942 та фермер хўжалиги ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 8856 тага етказилди. Мевасабзавотчилик ва узумчиликда таркибий ислоҳотлар бошлаб юборилди. Чорак мобайнида 14 та корхона давлат тасарруфидан чиқарилди. Халқ таълими ва соғлиқни сақлаш соҳасида ўзгаришларга эришилмоқда. Республикадаги 14256 нафар ўқитувчининг иш ҳақига 798 миллион сўм устама белгиланди, тиббиёт ходимларининг иш ҳақи ўртача 30 фоизга кўпайди.

Айни пайтда иқтисодий ислоҳотларнинг изчиллигини таъминлаш, коммунал тўловлар борасидаги камчиликларни бартараф қилиш, хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини тубдан яхшилаш, тармоқлар потенциалини ошириш вазифалари белгиланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари, Жўқорғи Кенгес Раиси М. Ерниязов, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. Паргиев иштирок этди.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТАДБИРЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ЗАРУР

Кеча Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гиёҳванд моддаларга қарши кураш бўйича конвенциясининг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида бажарилишини назорат қилишга бағишланган сайёр йиғилиш ўтказди.

Сенат қўмитаси аъзоси Н. Файзиевнинг шу мавзуга бағишланган маърузасида таъкидланишича, жойларда вазият тегишли вазирликлар ва идораларнинг бу борада жамоатчилик билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб фаолият юритишларини тақозо этади.

Ҳар иккала вилоятнинг ҳам географик ва геополитик жойлашуви наркотик ва психотроп моддалар савдо-сотиғи ва истеъмоли тегирмонини юргизишга қулай. Бу ижтимоий иллат тобора бўртиброқ кўзга ташланаётгани ташвишли. Наркоҳолат таҳлиллари қора бозор бошида асосан ишсиз ва илгари ҳам жавобгарликка тортилган одамлар турганини кўрсатмоқда. Бу бозорларнинг 5,4 фоизини аёллар ташкил этаётгани, корчалонлар бу ишга ёшларни тортаётгани, айниқса, ташвишлидир.

Республика Ички ишлар вазирлигининг гиёҳвандликка қарши кураш бошқармаси бошлиғи А. Жўраевнинг таъкидлашича, яқинда Сариосиё тумани ҳудудида 130 килограмм қора дори ушлаб қолинган. Нуриддин Хушиев деган шахс илгари икки марта жиноий жавобгарликка тортилса ҳамки, яна кўршапалак мисол ўзини тиғга уриб турибди. Узун туманида ҳатто Олабердиев деган мактаб директори ярим килограмм қорадори сотаётганда қармоққа тушиб қолди.

Гиёҳвандликка йўл йўқ!

Ҳар иккала вилоятда ҳам наркоҳолатни бартараф этишга йўналтирилган тадбирларда камчиликлар, муаммолар бор. Қашқадарёда, масалан, малакали нарколог врачлар етишмайди. Ўқув даргоҳларининг кутубхоналарида махсус адабиётлар, ўқув қўлланмалари кам. Минтақавий назорат комиссияларининг ишларида изчиллик ва ташаббускорлик кузатилмаяпти.

Сайёр йиғилишда иштирок этган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жиноятчиликка ва гиёҳвандликка қарши кураш бошқармаси бошлиғи Жеймс Калехон жаноблари инсоният учун хавфли бўлган гиёҳвандликка қарши курашда минтақавий лойиҳалар қўлланилаётганини, Ўзбекистонда бу муҳим иш огоҳлик ва хушёрлик тадбирларига қўшиб олиб борилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилди.

Шу куннинг ўзида сенаторлар иштирокида вилоят ҳокимлигида гиёҳвандликка қарши курашни кучайтириш, бу борадаги тадбирларни, лойиҳаларни мувофиқлаштиришга бағишланган семинар-кенгаш ўтказилди. Масъул идораларнинг вакиллари, ўзини-ўзи бошқариш тизимлари ходимлари, оқсоқоллар, ёшлар, қисқаси, бутун жамоатчилик бу муҳим ишда қўлни қўлга бериб фаолият юритиш лозимлигини таъкидладилар.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова, Сурхондарё вилояти ҳокими А. Эшмуродов иштирок этди.

О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кеча пойтахтимиздаги Халқаро бизнес мажмуасида жойлашган ўзбек-япон марказида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда Япония Миллий молиявий корпорацияси (NLFC) ҳамкорлигида "Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва уларни молиялаштириш" мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Япония тажрибаси ўрганилди

Унда NLFC экспертлари Юниче Абе ва Хисао Доито хусусий тадбиркорликни молиялаштириш ва кичик корхоналарнинг кредит таҳлили бўйича маъруза қилдилар. Маълумот учун айтиш жоизки, Японияннинг мазкур молиявий ташкилоти 57 йилдан бери фаолият кўрсатади. Унинг 152 та бўлимида 4760 нафар киши хизмат қилмоқда. Корпорациянинг устав фонди 368 млрд. иенани ташкил этади. Маърузачилар ўз чиқишларида Японияда кичик бизнесни молиялаштириш хусусиятлари, шунингдек, кредит таҳлилининг асосий жиҳатлари ва тадбиркорликдаги муаммолар хусусида тўхталдилар, семинар иштирокчиларининг саволларига жавоб қайтардилар.

Жамшид ГАЗИЕВ.

Навоийда бўлиб ўтган анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан вилоятда сайловни юқори савияда ташкил этиш билан боғлиқ масалалар муҳокамасига бағишланди.

БЎЛАЖАК САЙЛОВГА БАҒИШЛАНДИ

Амалий семинарда вилоят, шаҳар ва туманларда тузилган тегишли комиссияларнинг раислари, аъзолари, шаҳар ва туман ҳокимлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, "Маънавият ва маърифат" маркази, сиёсий партиялар, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, айни пайтда Навоий вилоятида 338 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият кўрсатаяпти. Маҳалла, қишлоқ ва овулларнинг тобора кўркамлашиб бораётганида маҳалла фаолларининг хизмати катта бўлаётир. Бу эса фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари иш фаолиятида ижобий ўзгаришлар юз бераётганидан далолатдир. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига ташкилий жиҳатдан кўмаклашувчи халқ депутатлари вилоят Кенгаши комиссияси ҳамда жойлардаги ишчи гуруҳлари фаолиятини мазкур муҳим сиёсий тадбирнинг юксак савияда ўтишига қаратиш лозимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раиси М.Ражабова, мазкур комиссия аъзоси, "Маҳалла" хайрия жамғармаси раиси А.Гадойбоев иштирокчиларнинг саволларига батафсил жавоб берди.

Ёрқул УМАР, ЎзА мухбири.

«Савоб ишни ҳар куни қилиш керак». Бу даъватни ўзига шиор қилиб олган «Меҳр нури» жамғармасининг навбатдаги тадбири Қашқадарё вилоятида бўлиб ўтди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган бу анжуман Қарши шаҳридаги «Ҳафизахоним» ресторанида катта дастурхон ёзиб, ош тортиш билан бошланди.

ҚАЛБЛАРНИ ТУТАШТИРУВЧИ НУР

Норасмий мулоқотларда «Меҳр нури» жамғармаси амалга ошираётган хайрли ишлар ҳақида сўз борди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг ижрочи директори Баҳодир Шаропов ҳар иккала жамғарманинг мақсад ва вазифалари, ҳозирги фаолияти, келгуси режалари ҳақида гапирди. «Нуроний» жамғармаси вилоят кенгашининг раиси Январ Иноятов, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Зокир Аҳмедов «Меҳр нури» жамғармасининг кам таъминланган оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ўқув, соғлиқни сақлаш муассасаларига бевосита ҳомийлик ёрдами кўрсатиш, иқтидорли ёшларга ҳар томонлама ёрдам бериш, шунингдек, маҳаллаларнинг ташаббускорлигини ривожлантиришга қаратилган фаолияти таҳсинга лойиқ эканлигини таъкидлашди.

Мулоқот чоғида Деҳқонобод туманидаги қишлоқ врачлик пунктига Россияда ишлаб чиқарилган «УАЗ» русумли «Тез ёрдам» машинасининг калити топширилди. Тоғли ҳудуд аҳолисига хизмат кўрсатувчи ҚВП учун бу автомобиль жуда қўл келиши, шубҳасиз.

Қарши давлат университети ҳузуридаги 2-академик лицейда бўлган учрашувда «Меҳр нури» жамғармасининг таълим гранти ҳақида батафсил фикр юритилди. Жамғарма фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи фильм намойиши талабаларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирларда вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев иштирок этди.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Шунингдек, яқинда "Меҳр нури" жамғармаси томонидан Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги чўпон-чўлиқларга тиббий хизмат кўрсатадиган қишлоқ врачлик пунктига "УАЗ" русумли транспорт воситаси ҳам совға қилинди.

СУРАТЛАРДА: ҳўжалик раҳбари Р. Усанов қишлоқ врачлик пункти шифокори У. Тўхтаевага "Тез ёрдам" машинаси калитини топширяпти: чўпон Э. Ризаев бу хушхабардан хурсанд.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар.

Ватанимиз истиқлолининг 15 йиллиги олдидан

ЯНГИ ОЛТИАРИҚЛИКЛАР

Олтиариқликлардан биттаси Андижондан келган оғайнисига: «Туманимиз футболчилари иккинчи лигада қаторасига уч марта ғолиб бўлишди» деб мақтанибди. Шунда меҳмон: «Қаторасига уч марта» деган гапингизга тушунмай турибман. Иккинчи лигада ғолиб бўлган жамоа биринчи лигага чиқиши керак-ку?» деса, мезбон яна: «Биринчи лиганинг ўртасида юрганда кўра, иккинчи лиганинг доимий пешқадами бўлган яхши деб, атайлаб шу гуруҳда ўйнайверамиз», — деган экан.

Бунинг чин ёки ҳазиллиги устида ортиқча тўхталиб ўтирмайлик. Муҳими шундаки, бошқалардан ярим қадам бўлса-да илгарироқ бўлишга интилиш олтиариқликларнинг қонқонига сингиб кетган азалий одатидир. Иссиқхоналарда эмас, жўякларда етиштирилган ҳақиқий бодринглар шаҳарларимиз бозорларига биринчи бўлиб Олтиарикдан келишига ҳамма қўникиб қолган. Олтиариқликлар туруп ёки узумини сотиб бўлмагунча, бошқа жойдан шу турдаги маҳсулотни олиб келган деҳқонлар бозорга киришдан тортиниб туришлариям бор гап.

Омилкорлик — ноёб хусусият. Аммо у қадрланмаса, лоақал ўз ҳолига қўйиб берилмаса, ҳеч нарса бўлмай қолиши мумкин. Илгари ўн қоп бодрингни поездга босиб, бошқа шаҳарга жўнаса ҳам, тезда «чайқовчи» тамғаси босилишидан безиллаб қолган деҳқонларимиз мустақилликдан сўнг ниҳоят эркин нафас ола бошлашди. Негаки, хусусий омилкорликни бўғишларга чек қўйилибгина қолмай, балки ҳалол меҳнатга асосланган ҳар қандай интилувчанлик қўллаб-қувватланадиган, ҳатто рағбатлантириладиган замонлар келди. Қайси экинни қачон экиш, уруғни қаерга қандай қадаш каби юзаки йўл-йўриқлар, бемаъни буйруқбозликлардан қутилган деҳқонларнинг ишидаги унум ошиб бораверди. Олтиарикда кейинги 7-8 йил ичида давлатга маҳсулот сотишда худди томорқачиликдаги каби жадалчилик юзага келди, хирмонга барака кирди. Ўтган йили деҳқончиликдаги даромаднинг ўзаги ҳисобланмиш пахта, дон, пилла етиштириш борасидаги шартномавий режалар вилоят тугул Фарғона водийси миқёсида ҳам биринчилар қаторида ошириб-тошириб уддаланди.

> ***Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотишдан қарийб 38,5 миллиард сўм даромад олинниб, 2005 йилдагига нисбатан 12 фоиз ўсишга эришилди.***
>
> ***Туман халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам ишнинг орқага кетишига йўл қўйилмади. Жумладан, саноатда 4 фоиз, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда 16 фоиз, маиший хизматда 15 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатишда 15,5 фоиз юксалиш кузатилди. Қурилиш, тиббиёт, халқ таълими, маданият соҳалари ҳам йил сайин ривожланиб бормоқда.***

Шунга қарамай, туманда қишлоқ хўжалиги ҳануз етакчи соҳа бўлиб турибди: 165 мингга яқин аҳолининг тирикчилиги асосан шу билан боғлиқ. Янги даврда янгича иш юритишнинг ҳадисини ола бошлаган тадбиркорлар — «янги олтиариқликлар»нинг аксарияти айнан деҳқончилик соҳасидан етишиб чиққанлигини ҳам шу ҳол билан изоҳлаш мумкин.

Олтиариқликлар илгари ўз томорқаларидан чиққан маҳсулотнинг катта қисмини ички бозорларимизда, нари борса, 20-30 фоизини қўшни республикаларга элтиб сотиш билан кифояланишар эди. Ҳозирда бунинг аксини кўряпмиз. Улар яқинатрофлар қолиб, узоқ-узоқ юртлардаги бозорлардан ҳам ўзларига ўрин топишмоқда, деҳқонларнинг маҳсулотларини олдиндан пул тўлаб, бу неъматларни дала ва боғларнинг ўзидан олиб кетишмоқда. Олтиариқликлар, айниқса, Қозоғистон ва Россия бозорларини тобора кенгроқ эгаллаб, деҳқонларимиз етиштираётган маҳсулотларга каттароқ йўл очиб боришмоқда. Бироқ улар қайси бозорга қай пайтда қанча маҳсулот олиб боришни ўзаро маслаҳатлашган ҳолда назорат қилиб келмоқда. Сабаби, биринчидан, юртимизга четдан маблағ оқиб кириши қанча туришмаса, у ёки бу неъматнинг бир жойда кўп тўпланиб қолиб, нархи ўта тушиб кетиши, деҳқоннинг моли бутқул касодга учраши ҳеч гапмас. Тайёрловчиларнинг шу тарзда иш юритиши туфайли деҳқоннинг чўнтаги қаппаймоқда, бу соҳага алоқаси йўқларга ҳам ўз-ўзидан кўпроқ наф кўпайса, бошқалар ишлаб чиқараётган товарлар шунча кўп харид қилинади. иккинчидан, кимлардир мева-сабзавотларни йиғиштиришда, кимлардир яшикларга жойлашда, кимлардир ташишда, кимлардир вагонларга жойлашда қатнашиб, меҳнат ҳақи олиб туради. Учинчидан, тадбиркорлар ортиқча маблағларини ишлаб чиқаришга сарфлашгудек бўлишса, янги-янги иш ўринлари вужудга келади. Тўртинчидан, маҳсулотни транспортларда кузатиб бориш, жойлардаги бозорларга тарқатиш мақсадида ёлланиб, бошқа юртларга бориб ишлайдиганларнинг тобора кўзи пишиб, ўзлари ҳам аста-секин мустақил ишбилармонларга айлана боришади, юртимиздан маҳсулот олиб кетиш, юртимизга пул оқиб кириши ортаверади.

Хусусий тадбиркорлар бойигани сайин улардан элюртга тегадиган нафнинг яна бир тури борки, уни саховатпешалик, дейдилар. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан Олтиариқ туманида ишлаб чиқилган дастурни кўздан кечирарканмиз, бойлик бор жойда мурувват доим ёндош эканига яна бир бор амин бўлдик. Дастурда элликдан ортиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик корхона бошлиғи М. Мавлонов 15 миллион сўм маблағ ажратиб, Ғайрат қишлоғида беш минг кишига хизмат кўрсатувчи қишлоқ врачлик пункти қуришни бошлаб юборди. Хусусий қурилиш ташкилоти раҳбари Р. Эркабоев Бўрбонлиқ қишлоғида қурилаётган янги мактаб ёнига ўқувчилар учун замонавий ошхона қуриб беришга 8 миллион сўм пул сарфламоқчи. Қ. Тўйчиев ўз маҳалласидаги ярим километрлик йўлга асфальт ётқизиб бериш билан кифояланмай, 7 миллион сўмга қишлоқ врачлик пунктига қўшимча равишда ўн ўринли даволаш биносини қуришга бел боғлади. Номини ошкор қилишимизни хоҳламаган яна бир тадбиркор эса ўттиз нафардан зиёд отаонасиз болаларни ўз тасарруфига олиб, уларни ҳар йили қишки ва ёзги кийимкечак билан тўлиқ таъминлаб келмоқда.

Одамларни ишли қилиб, вақтида маош тўлаб туриш-нинг ўзи ҳам бир савоб. «Янги олтиариқликлар»дан яна бири — Раҳматхон укамиз франциялик шериклари билан бир пайтда 800 тонна маҳсулот сақланадиган совутгич омборини тез орада битказиб, олтмиш кишини иш билан таъминлаш йўлида жон қуйдираётган бўлса, Қизилтепадаги минерал сувни қадоқлаш цехини гувиллатиб ишлатаётган Ўктамжон 25 кишини ишлик қилиб улгурди.

Камина туғилиб ўсган Полосон қишлоғи тадбиркорлари ҳам бўш келишаётгани йўқ. Хусусан, шулар ичида энг довруғдори ҳисобланган Ҳокимназар Россия ускуналари ва хомашёси ёрдамида мих ишлаб чиқариш, шарбат тайёрлашга мўлжалланган кичик корхона барпо этган эди. Ҳозирда унинг 13-мактаб яқинидаги ташландиқ жойда катта стадион қуришга аҳд қилганини қишлоқ болалари қувонч билан олқишлаб юришибди. Собиқ синфдошим Аюббой маҳалладагилар учун бир ярим километр масофага ичимлик суви қувурини ётқизмоқда. Ёнилғи қуйиш шохобчалари эгаси Набижон янги ичимлик суви қудуғини қаздириб бермоқчи. Фарҳоджон ташкил этган тикувчилик цехида 20 нафардан зиёд қиз-жувонлар ишламоқдалар. «Вагончи бойлар» қаторида турувчи ака-ука Муҳаммадали ва Муҳаммаджон, ака-ука Шавкатбек ва Шуҳратбеклар эса ўнлаб ёшларни доимий равишда, юзлаб кишиларни мавсумий тарзда иш билан таъминлаб келишдан ташқари, маҳаллалар ободончилигига боғлиқ хайрли ишлардан сира четда туришмайди.

— Президентимиз тараққиётни жадаллаштириш омилларидан бўлган хусусий тадбиркорликни кенг қулоч ёйдириш, ишга халақит берувчи барча тўсиқларни йўлдан олиб ташлаш борасида тинмай ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда, — дейди туман ҳокими Абдулҳамид Абдуллаев. — Бу кўрсатмаларни оғишмай амалга ошириш учун ўзимизнинг қўлимиз калталик қилган тақдирда, ҳукумат томонидан ҳам, вилоят раҳбарлари томонидан ҳам кераклик ёрдамни ўз вақтида олиб турибмиз.

«Қарс икки қўлдан чиқади» деганлари шу. Маҳаллий ишбилармонларга қанча қулай шароит яратиб берилса, улардан эл-юртга тегадиган наф ҳам шунча кўп бўлишини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Буни яхши англаган туман раҳбарияти хусусий мулкдорларни янада ривожлантириш, жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам ерни ҳақиқий эгаларига танлов асосида топшириш юзасидан кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Илгари туманда 540 та фермер хўжалиги бор эди. Бу йил олтита ширкат хўжалиги тугатилиши натижасида фермерлар сони 917 тага етди. Бу — яна 377 нафар ер эгасига ўз тадбиркорлик қобилиятини амалда намойиш этишга имкон яратиб берилди, деганидир.

Олтиариқликлар эса нақ турган имкониятни қўлдан бой бериб қўядиганлар тоифасидан эмас. Улар катта мақсадлар, яхши ниятлар билан бошланган ҳар бир ишни сира чала қолдиришмаган. Илоҳим, бундан буён ҳам шундай бўлаверсин!

Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қарорда қорамол сотиб олиш учун имтиёзли микрокредитлашнинг самарали механизмларидан фойдаланиш ҳам назарда тутилган. Бунда маҳалла қўмиталарининг кафиллиги билан чорвачиликни ривожлантириш учун фуқароларга тижорат банклари томонидан имтиёзли ва мақсадли кредитлар ажратишнинг соддалаштирилган тартиби жорий қилинади.

Чорвачилик соҳасининг инфратузилмасини кенгайтириш масалалари ҳам алоҳида эътиборга олинган. Чунки ушбу соҳага кўмаклашувчи инфратузилманинг ривожланиши чорвачилик билан боғлиқ бошқа соҳаларнинг ҳам тараққий этишида муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Натижада кўпгина мутахассислар учун қўшимча иш ўринлари яратилади. Шу боис 2010 йилгача 575 та қўшимча зооветеринария, 330 та сунъий урчитиш, 660 та ихтисослашган омухта ем сотувчи дўконларни ташкил этиш белгилаб берилган. Демак, уларнинг самарали ишлаши нафақат иқтисодий, балки ижтимоий муаммоларга ҳам барҳам беради.

— Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган кенг кўламдаги ислоҳотларда халқ вакиллари — депутатларнинг иштироки қандай бўлиши керак, деб ўйлайсиз?

Масалан, қуйи палатанинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзолари бу жараёнда қай даражада фаоллик кўрсатишлари лозим?

— Президентимиз Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги нутқларида эришилаётган ютуқлар билан бирга йўл қўйилаётган айрим камчиликларга ҳам танқидий баҳо бердилар. Биз, қуйи палата аъзолари ана шу эътирозлардан тегишли хулоса чиқариб олдик. Бундан кейинги фаолиятимизда фақат қонун ижодкорлиги билан машғул бўлиб қолмасдан, жойларда сайловчиларимиз билан бўладиган учрашувларда қабул қилинаётган ҳужжатларнинг мазмунмоҳияти ва аҳамияти хусусида ҳам тушунтиришлар бериб боришни мақсад қилиб олганмиз. "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарордан кейин эса қўмитамиз ўзининг иш режасини шунга мос равишда мувофиқлаштирди. Тарғибот ва ташвиқот ишларига ҳам эътибор бермоқчимиз. Қолаверса, ушбу қарордан келиб чиқиб, амалдаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш борасида ўз ҳиссамизни қўшиш ниятидамиз.

"Халқ сўзи" мухбири
Шавкат ОРТИҚОВ суҳбатлашди.

Йўлсозлар ишлаб чиқарувчидан мамнун

Ислоҳот одимлари

Тошкент вилоятидаги "Чинозйўлиндустрия" ишлаб чиқариш-саноат корхонаси ўтган йили цемент блоклари, бордерлар, асфальт-бетон қоришмаси ва майдаланган тош — жами 4 миллиард сўмлик қурилиш материаллари ишлаб чиқариб, Тошкент ва Сирдарё вилоятларидаги йўлсозларга етказиб берди. Ҳозир корхонанинг бундай маҳсулотларига пойтахтимиздаги йўл қурилиши жамоаларидан ҳам буюртмалар тушмоқда.

Бу ерда, шунингдек, уйжой қурилиши учун беш турдаги маҳсулот ҳам тайёрланади. Улар пишиқ ва сифатли бўлганлиги боис буюртмачилар сони йилданйилга кўпаймоқда.

— Одатда, куз ва қиш даврларида, яъни ҳаво салқин кезларда ишимиз ҳажми бирмунча камаяди, — дейди корхона бош муҳандиси Абдуғаффор Абдуллаев. — Кунлар исиши билан эса, фаолиятимиз янада жонланади. Ҳозир барча буюртмачиларнинг талабларини қондириш мақсадида астойдил меҳнат қиляпмиз. Бизнес-режага кўра, жорий йилда 4 миллиард сўмликдан ортиқ миқдорда маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз. Шу кунгача истеъмолчиларга шартнома асосида 186 миллион сўмлик турли қурилиш материаллари етказиб бердик.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Савоб истасанг, кутубхонага бор

Жиззах шаҳридаги Ш. Рашидов номли 10-ўрта мактабда бўлиб ўтган хайрия тадбири мактаб-кутубхона-оила-жамоат ташкилотлари» ҳамкорлигига бағишланди.

Тадбирга тўпланган ота-оналар, мактабнинг собиқ битирувчилари, корхона-ташкилотлар вакиллари, маҳаллалар оқсоқоллари ўқувчиларнинг илм олиш жараёни, ўқитувчилар жамоасининг фаолияти билан танишдилар. Бўлиб ўтган давра суҳбати чоғида меҳмонлар мактаб кутубхонасига жами 350 минг сўмлик бадиий, илмий-оммабоп, услубий китоблар ва бошқа турли зарур нашрларни ҳадя қилишди.

Шаҳар халқ таълими бўлими бошлиғи М. Зоиржоновнинг таъкидлашича, бу каби тадбирлар бошқа мактаб-боғчаларда ҳам уюштирилаяпти. Ҳозиргача ҳомийлар томонидан умумтаълим мактабларига 5 миллион 100 минг сўмликдан зиёд 3180 дона китоб хайрия ёрдами сифатида берилган.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Театр мухлислар ҳузурида

«Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарияти Ўзбек Миллий академик драма театрининг жамоаси билан Андижон вилояти меҳнаткашлари ҳузурида қизиқарли чиқишларни уюштирди. Пойтахтдан борган санъат усталари Халқ артисти, Ўзбекистон Қаҳрамони Зикир Муҳаммаджонов бошчилигида вилоятнинг Шаҳрихон, Жалақудуқ, Олтинкўл ва бошқа туманларида мароқли учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказишди. Санъатга меҳр қўйган ёшлар учун маҳорат сирларидан ошно этувчи машғулотлар умрбод эсда қоладиган бўлди. Томошабинлар Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» драмаси асосида саҳналаштирилган спектаклни катта қизиқиш билан кутиб олишди. Хусусан, Андижон давлат университети талабалари, санъат коллежи ўқувчилари ҳузуридаги учрашувлар мухлислар қалбида муҳрланиб қолди.

Аҳмаджон РАҲИМОВ.

"Халқ сўзи" назоратида

Мақола прокуратурада ўрганилди

Шу йил 15 март куни газетамизда Боёвут туманидаги «Наврўз» фермерлар уюшмасидаги «Юрт» фермер хўжалиги раҳбари Т.Абдураҳимовнинг «Тўсиқ эмас, ёрдам зарур» сарлавҳали мақоласи чоп этилганди. Унда фермер қишлоқ хўжалигидаги айрим муаммолар хусусида фикр юритиб, улар иш жараёнида тўғаноқ бўлаётганини таъкидлаганди. Мазкур мақолада келтирилган ҳолатлар Сирдарё вилояти прокуратураси томонидан ўрганилиб, таҳририятга яқинда расмий жавоб келди. Унда шундай дейилади:

«Жорий йилнинг март ойида вилоят ҳокимлигида ўтказилган фаоллар йиғинида таъминотчи корхоналар ва фермерлар иштирокида ушбу мақола муҳокама қилиниб, унда қайд этилган ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар белгиланди. Аниқланишича, Боёвут туманида ташкил топган «Юрт» фермер хўжалигининг 14.6 гектар ер майдони мавжуд бўлиб, бу йил у ерга пахта экиш режалаштирилган. Дала ишларини бажаришга 3970 кг. ёнилғи лимити белгиланган. Шундан жорий йилнинг 1-чорагида бир гектар ерга 44 кг. ҳисобидан 625 кг. меъёр белгиланиб, 15 март ҳолатига кўра, 600 кг. ёнилғи олган.

«Ўзнефтмаҳсулот» компанияси томонидан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжига қараб, кунлик ёнилғини тақсимлаб бериш тизими яратилиб, вилоятга келтирилган ёнилғи маҳсулотлари фақат шохобчалар орқали тарқатилиши таъминланмоқда. Мақолада фермерларнинг ғалла ва пахтадан топган даромадлари банклар томонидан ўз вақтида берилмасдан, бошқа ҳисоб рақамларига ўтказилаётганлиги кўрсатилган. Маълум бўлишича, «Юрт» фермер хўжалигининг ўтган йили давлатга сотган 32.7 тонна пахтаси жами қийматидан 1957 минг сўми тўланмаган. Ушбу қарздорлик 2005 йил пахтанинг якуний ҳисоб-китобидан тўланади.

Вилоят прокуратураси қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишга қаратилган қонунлар ва улар асосида қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг ижро этилишини таъминлаш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги тадбирларнинг амалга оширилиши устидан назорат ўрнатди.

Сирдарё вилояти прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Б.ЗОҲИДОВ».

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

— Яратган бошқа мавжудотларга нисбатан инсонга кўплаб неъматларни тортиқ этган. Уларнинг ичида ёруғ оламни кўриш бахти, айниқса, бебаҳо имконият экан, — деб ёзади Андижон вилоятининг Избоскан туманидан келиб, пойтахтимиздаги "Шифо-нур" кўз-лазер микрожарроҳлик марказида ўз саломатлигини тиклаган Нормурод Исомиддинов. — Учтўрт йил бўлди. Кўзим хиралашиб, ҳатто ўттиз-қирқ қадам наридаги одамни илғай олмай қолган эдим. Бир қанча вақт кўзойнак тақиб юрдим. Бироқ унда ўзимни анча ноқулай ҳис этардим.

Ёруғ дунё саховати

Ана шундай ташвишли кунларнинг бирида пойтахтимизда кўз хасталикларини даволайдиган шифохона борлигини эшитиб қолдим ва шу ерга келдим. Ҳозир бу ерда олган муолажаларимдан кейин ёруғ оламни жуда яхши кўряпман.

Таҳририятимизга йўлланган бу мактуб билан танишиб, англадикки, Н. Исомиддинов "Шифо-нур" мутахассислари кўмаги туфайли борлиқни кўриш бахтига қайта муяссар бўлган. Беқиёс миннатдорлик туйғуси ила битилган хат бизни ушбу маскан билан яқиндан танишишга ундади.

— Маълумотларга қараганда, бугун дунё аҳолисининг қарийб ўттиз фоизи узоқни яхши кўра олмаслик хасталигига чалинган, — дейди "Шифо-нур" кўз-лазер микрожарроҳлик маркази директори, профессор Алишер Худойбердиев. — Афсуски, мамлакатимизда ҳам ана шундай дард билан хасталанганлар учраб туради. Клиникамиз бундай касалликка чалинган беморларни бутунлай даволаш имконини берадиган, Германияда ишлаб чиқарилган тиббий воситалар билан жиҳозланган. Марказий Осиёда ягона бўлган «МЕЛ-70» эксимер лазер тизими ёрдамида бир неча дақиқадаёқ кўзнинг тиниқ кўришини таъминлаш мумкин.

Ташкил этилганига беш йил тўлаётган "Шифо-нур" кўз-лазер микрожарроҳлик марказига ҳар йили уч ярим мингдан беш минг нафаргача беморлар мурожаат этишади. Улар дастлаб тўла-тўкис тиббий текширувдан ўтказилади. Бу жараёнда хориждан олиб келинган замонавий тиббий асбоб-ускуналардан кенг фойдаланилади.

Марказда кўз касалликларининг барча тури, жумладан, катаракта, яъни кўз хиралашиши сингари хасталиклар лазер жарроҳлиги йўли билан даволанади. Бундай операция бемор вужудига тиғ теккизмасдан, оғриқсиз бажарилади. Аввал нур ёрдамида хира тортган гавҳар майдалаб олиниб, сўнг сунъий гавҳар қўйилади. Фаолият бошлаганимиздан буён ҳозирга қадар уч минг нафардан кўпроқ беморни шу йўл билан дарддан халос этдик. Қувонарлиси, даволаш жараёнида илғор усуллар ва технологиялардан самарали фойдаланилаётганлиги боис беморлар қисқа муддатда шифо топишмоқда. Операциядан кейин уч ой мобайнида марказимизда бепул тиббий кўрик йўлга қўйилган.

Бажарилган даволаш ишлари махсус электрон карточкага ёзилади ва маълум бир муддатдан сўнг уларнинг халқаро стандартларга мослиги Германиядаги экспертлар томонидан текширилади.

Айтиш жоизки, фан ва техника ютуқлари натижасида офтальмологик касалликларга тез ва аниқ ташхис қўйишда фаолиятимизда қўл келаётган замонавий тиббий асбоб-ускуналар аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт тизимидаги ислоҳотларни такомиллаштиришда яхши самара бермоқда. Бу борада клиникамиздаги мавжуд замонавий компьютерлаштирилган қурилмалар бемор операция қилингандан кейинги кўриш даражасини олдиндан аниқлаш имкониятини бераётгани муҳим аҳамият касб этаётир.

Шу боис шифохонамизда нафақат мамлакатимиз, балки Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия, Туркия, Сурия, Греция, Албания, АҚШ давлатларидан келган беморлар ҳам шифо топишмоқда. Марказимиз офтальмология соҳасига оид сўнгги янгиликларни доимий тадқиқ этиш мақсадида дунёдаги етакчи илм-фан марказлари ва клиникалари, жумладан, Россия ва Германиядаги ана шундай тузилмалар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётир.

— Ҳар қандай касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал, албатта. Кўзларимиз доимо равшан бўлиши учун бу борада нималарга алоҳида эътибор қаратишни тавсия этардингиз?

— Одам организмининг ҳар бир аъзоси ўзига хос хусусиятга эга. Аммо кўз — нафақат ўз аҳволи, балки танада кечаётган барча жараёнлар, жисмдаги бошқа аъзоларнинг ҳолати ҳақида ҳам маълумот берувчи бебаҳо неъмат. Ана шу ноёб бойликни у соғлом вақтидаёқ асраб-авайлашимиз, зарур вақтларда парваришлаб боришимиз лозим.

Бунинг учун белгиланган вақтда тиббий кўрикдан ўтиб туриш, турли бирламчи хасталикларни (гарчи улар кўз билан боғлиқ бўлмасада) ўз вақтида даволатиш, соғлом турмуш тарзи талаблари ва санитария-гигиена қоидаларига тўла риоя этишимиз лозим.

Бу борада Президентимизнинг яқинда пойтахтимизда ишга туширилган янги оилавий поликлиникалар билан танишуви чоғида айтган таклиф-тавсиялари ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Юртбошимиз эътибор қаратган оила шифокори тизими олдида турган вазифаларни тўла ҳаётга татбиқ этиш профилактика тадбирларини янада ривожлантириш, касалликларни олдиндан аниқлаш ва даволаш ҳамда аҳоли тиббий маданиятини оширишда бизга ниҳоятда қўл келади.



Шу маънода, бу йўналишдаги ишларни ҳаётга татбиқ этишда республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан кенг кўламли тадбирларни амалга оширишга киришилдики, бу биз каби тиббиёт муассасаларининг фаолиятини тубдан такомиллаштиришда, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар жараёнида уларнинг фаол иштирокини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Шифокор билан мулоқотимизни якунлаб, қабулхонага чиққанимизда, у ерда ўн-ўн беш нафар эркак ва аёллар ўзаро суҳбатлашиб ўтиришган экан. Уларнинг марларда кўзлари хира кўраётганидан шикоят қилаётгандилар. Бугун эрталаб операция қилишди. Аҳволлари яхши. Худо хоҳласа, эртага уйга қайтмоқчимиз. Шифокорларга минг раҳмат. Қўллари асло дард кўрмасин!

Суҳбатдошларимизнинг қалбларидаги ҳаяжон ва шодликни ҳис этиб, дунёга теран нигоҳ билан боқиш бахтига етганларнинг шукрона айтишларини кўриб, инсонларга саломатлик улашаётган эзгу ниятли шифокорларимизга биз ҳам туганмас саодат тиладик.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Агар ҳужум бошланса...

«Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлиги тарқатган хабарда таъкидланишича, мабодо АҚШ ҳарбийлари Венесуэлага ҳужум қиладиган бўлса, президент Уго Чавес мамлакатдаги барча нефть конларини портлатиб юборишини билдирган.

Президентнинг таъкидлашича, АҚШ Федерал қидирув бюроси мамлакатда давлат тўнтариши уюштиришга ва шу тариқа нефть конлари устидан ўз назоратини ўрнатишга тайёргарлик кўраяпти. Оқ уй бу айбловга ҳозирча муносабат билдиргани йўқ.

Эслатиб ўтамиз, Венесуэла нефть қазиб чиқариш бўйича дунёда бешинчи ўринда туради ва маҳсулотининг асосий қисмини АҚШга экспорт қилади.

Маҳбуслар рўйхати ошкор этилди



Пентагон биринчи маротаба Кубада жойлашган Гуантанамо қамоқхонасидаги маҳбуслар рўйхатини эълон қилди. Бу ҳақда «Франс пресс» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Рўйхатдан 558 нафар турли миллатга мансуб маҳбуслар ўрин олган. Манбада айтилишича, айни пайтда Гуантанамода жами 41 та давлат фуқаролари ушлаб турилибди. АҚШ ва халқаро коалиция кучларига қарши жанговар ҳаракатлар содир этганликда айбланаётган бу маҳбусларнинг қилмишлари 2004-2005 йилларда махсус трибунал томонидан батафсил ўрганиб чиқилган.

Рўйхатнинг суддан кейин ошкор этилишини кўплаб инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотлар қоралаб чиқди. Уларга кўра, Пентагон «Ахборот эркинлиги тўғрисидаги Акт» шартларини қўпол тарзда бузган.

Ғалабани тасдиқлади

Италия Олий кассация суди Романи Проди бошчилигидаги сўл марказчилар коалициясининг мамлакат парламенти учун бўлиб ўтган сайловдаги ғалабасини қонуний деб топди. Эслатиб ўтамиз, Проди коалицияси амалдаги Бош вазир Сильвио Берлускони раҳбарлик қилган ўнг марказчилар блоки устидан унча катта бўлмаган фарқ билан ғалаба қозонди. Берлускони ушбу фарқни йўққа чиқариш мақсадида судга мурожаат қилганди. Текширишлар натижасида 5 мингга яқин сайлов бюллетени саналмай қолиб кетгани маълум бўлди. Аммо бу овозлар қўшилгандан сўнг ҳам сайлов натижаларига таъсир кўрсата олмади.

Сайловдан сўнг Берлускони ўз мағлубиятини тан олмаслигини билдириб, сўллар ва ўнгларнинг «катта коалицияси»ни тузиш таклифи билан чиққанди. Бироқ Проди бу таклифни рад этди. Мамлакат конституциясига мувофиқ, Президент Карло Чампи ғолибга янги ҳукуматни шакллантириш бўйича топшириқ беради. Янги ҳукумат таркиби ишга киришишдан олдин парламентнинг икки палатаси тасдиғидан ўтиши лозим. Манбада айтилишича, янги ҳукумат таркиби май ойи охирига қадар маълум бўлади.

Гумон асоссизмиди?

Жанубий Кореянинг Hyundai корпорацияси жамоатчиликдан расман узр сўради ва гуманитар мақсадлар учун бир миллиард доллар маблағ ажратиш таклифи билан чиқди. Бундан бир муддат олдин Осиёнинг энг катта автомобиль ишлаб чиқарувчи компанияси раҳбарияти коррупцияда айбланганди. Яъни компания ҳукуматдаги обрўли раҳбарлар, сиёсатчилар ва банкирларни сотиб олиш учун махфий фонд ташкил қилганликда гумон қилинганди.

Компания раҳбарияти айбловни рад этган ҳолда мазкур жиноий ишни ўрганишда ҳукумат билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини билдирди.

Непалда норозилик намойишлари

Икки ҳафтадан буён Непалда норозилик намойишлари давом этмоқда. Улар қирол Гьянендр бошқарувига қарши митинг уюштиришмоқда. Айни пайтда мамлакат пойтахти Катманду шаҳрида 18 соатлик комендантлик соати жорий қилинди. Ҳарбий кучларга бу тартибни бузган шахсни огоҳлантиришсиз отишга рухсат берилган. Ҳукумат вакилининг маълум қилишича, мамлакатда тартибсизликлар ва зўравонликлар бошланиб кетишининг олдини олиш учун шундай чора қўлланилаяпти.

Ўтган икки ҳафта мобайнида ўтказилган намойишлар чоғида камида 10 киши ҳарбий кучлар нишонига дучор бўлди. Халқаро ташкилотлар Непал ҳукуматини инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга чақирди.

(Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди).

Комиссия текширувни якунлади

Жорий йил 3 февраль куни Мисрнинг «Салам Бокаччо-98» кемаси Қизил денгизда чўкиб кетганди. Кунигеча мазкур фожиани батафсил ўрганиб чиққан комиссия ўз хулосасини расман маълум қилди. Хулосада айтилишича, фожианинг содир бўлишида биринчи навбатда кема эгаси ва мамлакат ҳукумати айбдор.

Ушанда бортидаги 1487 та йўловчи билан Саудия Арабистонидан Мисрга қараб йўл олган паром чўкиб кетган эди. Уларнинг бор-йўғи 388 нафари қутқариб қолинган, холос. Комиссия аъзоларининг таъкидлашича, ҳукумат



ва кема эгаси унинг техника хавфсизлик талабларига жавоб бермаслигига эътибор беришмаган.

Қочқинлар сони камаймоқда

БМТ тарқатган маълумотларга қараганда, 2005 йилда қочқинлар сони ўртача 9,2 миллион нафарни ташкил қилган. Бу охирги йигирма беш йилдаги энг паст кўрсаткичдир.

БМТнинг қочқинлар ишлари билан шуғулланувчи агентлиги томонидан тайёрланган ҳисоботда айтилишича, Афғонистон, Ангола ва Сьерра-Леоне каби давлатларда ҳаётнинг изга тушиши бу борадаги муаммоларнинг камайишига катта туртки берди. Бундан ташқари, сўнгги беш йил давомида ҳарбий тўқнашувлар сони ҳам бирмунча камайган.

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD
RUBEZH
ADI International
Vinlad
Сделаем жизнь спокойнее!
Вид деятельности – проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.
НАДЕЖНАЯ ОХРАННО-ПОЖАРНАЯ СИГНАЛИЗАЦИЯ
Охранно-пожарная контрольная панель управления (пр-ва России) 8-40 зон – от 108 000 сум.
Датчики дымовые оптико-электронные (пр-ва России) – от 10 000 сум.
ул. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web-site:www.vinlad.com
ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103, лицензия МВД УПО № 29/2-2-97, лицензия КМ №000390 (проектирование).

DELTA·BI EX
UZBEK EXHIBITION COMPANY
ЗАЩИТА И СПАСЕНИЕ · 2006
МЕЖДУНАРОДНАЯ ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКАЯ ВЫСТАВКА
ОФИЦИАЛЬНАЯ ПОДДЕРЖКА
Государственное предприятие "UZMAKHSUSIMPEX"
26-28 сентября 2006 года
Тел. (99897) 330-48-00.
Факс (99871) 144-16-87.
E-mail: delta@uzpak.uz
МЕСТО ПРОВЕДЕНИЯ: ТПК "НАВРУЗ"
* технические средства обеспечения безопасности,
* антитеррористическое оборудование,
* средства защиты информации, * спасения при ЧС и пожарной охраны,
* обеспечения банковской и промышленной безопасности.
Бизнес-партнёры: infoCOM.UZ
ООО "NOVITA-EDMG"

Хабарлар оқимидан

«Машҳура»нинг мучал ёши

"Машҳура" ўқув фирмаси ўзининг 12 йиллигини нишонлади. Ҳозирда 22 та ўқув курси доирасида 20 мингдан зиёд ёшларга касб-ҳунар ўргатаётган ушбу марказ вилоят филиаллари орқали ҳам тикишбичиш, автомактаб, пазандачилик каби йўналишлар бўйича фаолият олиб бормоқда.

Ушбу филиалларда "Машҳура" ўқув курсини тамомлаб, малака ошириш курсларида билимларини мустаҳкамлаган мутахассислар таълим беради. Ўқитувчилар бир неча кўрик-танловларда иштирок этиб, муносиб рағбатга эга бўлишмоқда. Хусусан, бу йил "Ташаббус-2006" кўрик-танловида фирманинг Самарқанд шаҳри филиали мутахассиси Д.Ғаффорова қатнашиб, махсус диплом билан тақдирланди.

— Ўтган вақт мобайнида, — дейди марказ раҳбари М.Юсупова, — ўз олдимизга қўйган мақсадга оз бўлса-да эришдик. Хотин-қизларимизнинг ҳунарли, пазанда, чевар бўлиб етишишлари, улар хизматидан инсонларнинг мамнун бўлиши бизнинг ҳам ютуғимиз. Келажакдаги режаларимиз эса чет давлатлар фирмалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва марказимиз қошида фабрика очиб, ўзимиз тайёрлаган касб эгаларини иш билан таъминлашдир.

Марказ ўзининг мучал ёши муносабати билан ёшлар учун қизиқарли танлов эълон қилди. Унда «Фирма рекламаси учун энг яхши ғоявий сценарий муаллифи», «Марказнинг энг фаол ўқувчиси» ва «Энг яхши либос эскизи» номинациялари бўйича совриндорлар аниқланади. Ғолиблар 2 май куни "Туркистон" саройида бўлиб ўтадиган тантанали кечада тақдирланишади.

Муборак ОХУНОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

На HP iPAQ hw6500 используется ПО Windows Mobile™.
ТЕХНОЛОГИИ HP ДЛЯ ТЕХ, КТО ЦЕНИТ ВРЕМЯ И КАЧЕСТВО!
Если Вы цените качество и свое время, выбирайте продукцию компании HP. С помощью карманных ПК HP iPAQ Вы сможете легко получить безопасный доступ к Вашей корпоративной сети, интернету или электронной почте, где бы Вы ни находились. Работайте там, где Вас застают дела! Оцените преимущества технологий HP, ведь они созданы для тех, кто ценит время.
HP IPAQ HW6500 MOBILE MESSENGER
• Процессор Intel® PXA272 312 МГц
• Microsoft® Windows Mobile™ 2003 Second Edition
• Память 128 МБ (64 МБ ПЗУ + 64 МБ ОЗУ)
• Полупрозрачный жидкокристаллический дисплей 3,0" (75 мм по диагонали, QVGA TFT, 65 536 цветов)
• Встроенный мобильный телефон (GSM 850/900/1800/1900 МГц)
• Интегрированный интерфейс Bluetooth®
• Слот SD и Mini-SD
• Порт USB и инфракрасный порт
• Вес 165 г
HP IPAQ HX2100 POCKET PC
• Процессор Intel® PXA270 312 МГц
• Microsoft® Windows Mobile™ 2003 Second Edition
• Память 128 МБ (64 МБ ПЗУ + 64 МБ ОЗУ)
• Полупрозрачный жидкокристаллический дисплей 3,5"
• Интегрированный интерфейс Bluetooth®
• Слот SD
• Порт USB и инфракрасный порт
• Вес 164,4 г
HP IPAQ HX4700 POCKET PC
• Процессор Intel® PXA270 624 МГц
• Microsoft® Windows Mobile™ 2003 Second Edition
• Память 192 МБ (128 МБ ПЗУ + 64 МБ ОЗУ)
• Полупрозрачный жидкокристаллический дисплей 4,0"
• Интегрированные интерфейсы Bluetooth® и IEEE 802.11b
• Слот SD
• Порт USB и инфракрасный порт
• Вес 186,7 г
Designed for Windows Mobile
Звоните сейчас, чтобы узнать больше о продукции HP:
AGATA IMPEX
Тел.: 133 05 00
www.hp.ru
2006 Preferred Partner
©2006 Hewlett-Packard Development Company, L.P. Все права защищены.

ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФ
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ
«Она ва бола скрининги» давлат дастурини амалга ошириш доирасида ҳомиладор аёллар ва чақалоқларда патология ва туғма нуқсонларни эрта аниқлаш ва олдини олиш мақсадида ҳамда уларни зарур дори-дармонлар билан таъминлаш учун қуйидаги дори-дармонларга
ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:
• ҳомиладор аёлларни пренатал скрининг текширувларидан ҳамда чақалоқлардаги туғма гипотиреоз, фенилкетонурия, муковисцидоз ва галактоземияни аниқлаш учун «Делфия-Виктор» аппаратида ишлатиладиган диагностик тўпламлар;
• таркибида йод моддалари бўлган дори-дармонлар;
• таркибида тиреоид моддалари бўлган дори-дармонлар.
Мазкур лойиҳа доирасида тендерга эълон қилинган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва етказиш ҳуқуқига эга бўлган фирмалар тендер савдосида иштирок этишга таклиф этилади.
Тендерда иштирок этишда имзоланган ариза ҳамда тўловнома нусхаси "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасига топширилгандан кейин қуйидаги манзилдан шахсан ёки курьер хизмати орқали тендер ҳужжатлари тўпламини олиш мумкин.
Тендер ҳужжатларининг нархи — 500 (беш юз) АҚШ долл. ёки эквивалент миқдорида ўзбек сўмида, тўлов ўтказиладиган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича.
Банк орқали тўлов қуйидаги ҳисоб рақамларига ўтказилиши керак:
- АҚШ долларида: ҳисоб рақами 20212840600431338001, банк коди 00407, ГОО НБ ВЭД РУз, СТИР 200548507;
- ўзбек сўмида: ҳисоб рақами 20212000000431338001, банк коди 00407, ГОО НБ ВЭД РУз, СТИР 200548507.
Тендер ўтказилишига доир саволлар билан қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз сўралади. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, 700047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 15-уй. Факс: (+998 71) 133-89-49. Телефонлар: (+998 71) 132-00-82/83.
e-mail: fondsau@uzsci.net
Алоқадор шахс — Людмила Абдуллаева.
Тендер таклифлари бўйича охирги муддат — 2006 йил 24 май соат 18.00 гача (Тошкент вақти билан).

Маънавият дарслари

Хўжаобод туманининг барча маҳаллаларида «Маънавият мактаблари» ташкил этилди. «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлимининг ташаббуси билан иш бошлаган мактабларга аҳолининг кенг қатлами жалб этилди. «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари фаоллари, халқ таълими бўлимининг тажрибали ўқитувчилари ҳафтада бир марта ўтказиладиган машғулотларда иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий мавзуларда суҳбатлар олиб бормоқдалар. Тинчлик, осойишталик ҳар биримизнинг сидқидилдан қилаётган меҳнатимиз, аҳиллигимиз ва ниҳоят, огоҳлигимизга боғлиқ эканлигини тушунтирмоқдалар.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

HYUNDAI
DONGNAMUZ-MOTORS OFFICIAL DISTRIBUTOR OF HYUNDAI MOTOR COMPANY
DONGNAMUZ MOTORS
Address: 8, Afrosiab str., Tashkent
Tel.: (998-71) 152-26-07(08), Fax: (998-71) 152-17-25
E-mail: hdnuz@yahoo.com www.uzbekistan.hyundai-motor.com
Sonata NF
Elantra
Coupe
Santa Fe
Tucson
Terracan
Matrix
H-1 Starex
Grandeur XG

Спорт

Биздан минглаб километр узоқда жойлашган Африка қитъасида ҳам ўзбек кураши жадаллик билан оммавийлашиб бораётгани қувончлидир.

Куни кеча Африка Кураш конфедерациясидан яна бир хушхабар олдик. Унда айтилишича, Зимбабве давлати пойтахти — Хараре шаҳрида Африка қитъаси жанубий ҳудуди мамлакатлари полвонлари ўртасида кураш бўйича навбатдаги чемпионат бўлиб ўтди.

Зимбабведа кураш беллашуви

Шаҳар марказидаги муҳташам «Италиан» спорт мажмуасида Зимбабве, Ангола, Ботсвана, Мозамбик, Жанубий Африка Республикаси ва Замбия давлатлари курашчилари ўзаро бел олишдилар. Мусобақадан бир кун олдин ҳакамлар учун махсус семинар ташкил қилиниб, унда кураш бўйича халқаро тоифадаги ҳакам Эндрю Бест мураббий ва иштирокчиларга ўзбек кураши қоидаларини яна бир бор тушунтириб берди. Семинар савол-жавобларга бой бўлди.

Мусобақада Африка қитъаси жанубий ҳудудида жойлашган еттита давлатдан ташриф буюрган 100 нафарга яқин полвонлар 56 килограммдан мутлақ вазн тоифасигача, 50 нафардан ортиқ аёл иштирокчилар 48 килограмм вазн тоифасидан +78 килограммгача бўлган вазн тоифасида гиламга чиқдилар.

Муросасиз беллашувлар якунига кўра, ЖАР полвонлари 17 та олтин медаль билан умумжамоа ҳисобида биринчи ўриндан жой олишди. Замбия курашчилари учта, Мозамбик мамлакати вакиллари битта олтин медалига эгалик қилишди.

Мусобақа тафсилотлари Зимбабве давлатининг матбуот саҳифаларида тўлиқ ёритиб борилди. Ташкилотчилар кураш ҳақида фикр билдирар экан, миллий қадриятимизнинг бошқа спорт турларига нисбатан хавфсиз жиҳатларига эътибор қаратиб, келажакда Олимпиада ўйинлари қаторидан жой олишига умид билдирдилар.

Африка қитъаси жанубий давлатлари полвонлари ўртасидаги кейинги чемпионат 2007 йили Ботсванада бўлиб ўтади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Жаҳон кубогидан бронза медали билан

Москвада дзюдо бўйича ўтказилган жаҳон кубогида ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этишди.

100 килограммгача бўлган вазнли полвонлар баҳсида Акобир Қурбонов, 100 килограммдан оғир вазн тоифасида эса Абдулла Тангриевлар юртимизга бронза медаллари билан қайтишди.

Теннисчиларимиз беш поғона юқорида

Халқаро теннис федерацияси ITF эркаклар терма жамоаларининг янги рейтинг жадвалини эълон қилди. Унда мамлакатимиз терма жамоаси 1045 очко билан 33 ўринда қайд этилган. Агар бундан олдинги рейтинг жадвали билан таққосласак, беш поғона ўсиш бор. Ўзбекистонлик теннисчилар Украина (41), Қозоғистон (49), Грузия (60), Латвия (66), Литва (87), Тожикистон (90), Арманистон (92), Молдова (99), Озарбайжон (103) Эстония (104), Қирғизистон (122), Туркманистон (139) мамлакатлари вакилларидан анча илгарилаб кетишган. Собиқ иттифоқ мамлакатлари орасида фақат Россия (4) ва Беларусь (9) мамлакатлари теннисчилари ҳамюртларимиздан олдинроқда боришмоқда.

Муҳим қўлланма

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриётида профессор, тарих фанлари доктори А. Мадраимов ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг «Манбашунослик ва тарих ўқитиш методикаси» кафедраси мудири, доцент Г. Фузаилова ҳамкорлигида бакалаврлар учун тузилган «Тарихий манбашунослик» ўқув қўлланмаси чоп этилди. Унда Ўзбекистон тарихига оид юнон, лотин, араб, форс ва ўзбек тилларида ёзилган манбалар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Ўқув қўлланмасидаги мавзулар назарий ва амалий қисмлардан иборат. Уларда манбашунослик фани мақсад ва вазифалари, асосий йўналишлари, манбаларни ўрганиш ва ўргатиш усуллари, ислом манбашунослиги асослари баён этилган. Қолган ўн еттита мавзуда қадим замондан мустақилликкача бўлган асосан ёзма ва чоп этилган манбалар тавсифи ўрин олган.

Янги қўлланмада аввалги китобларда йўқ маълумотлар ҳам келтирилганини алоҳида таъкидлаш зарур. Масалан, ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар ичида уларнинг ўттиз тўрт тури номлари зикр этилган. Шунингдек, Туркистоннинг Чор Россия мустамлакачилиги, совет ва мустақиллик даври манбалари тавсифи ҳам баён этилган.

Мазкур қўлланманинг ижобий томони сифатида араб, форс ва ўзбек тилларидаги ёзма манбаларга хос хусусиятлар алоҳида тушунтирилганини кўрсатиш мумкин. Китоб муқовасида асар мазмунига мос келадиган расмлар, олимларнинг баҳс ва мунозаралари тасвирланган. Жузъий камчиликлар шуки, материалларнинг тақсимланиши ҳажм жиҳатидан бир хил эмас. Хусусан, давр манбалари сифатида вақтли матбуот — газета ва журналларга алоҳида эътибор бериш зарур эди. Чунки уларда ўша давр сиёсий-ижтимоий воқеалари баён этилган бўлиб, улар бошқа манбаларда учрамайди.

Умида ХЎЖАЕВА,
ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими.

Компьютерга сиғмаган гаплар

«Бахт—Х» масъулияти чекланган жамиятининг тарихи анча олисларга бориб тақалади. XIX асрнинг адоғида Сирдарё туманидаги Бахт шаҳрида темир йўл станцияси қурилиб, поездлар қатнай бошлаган дамлардаёқ бу ерда бозор ташкил топган ва кейинчалик «Бахт» деҳқон бозори деган ном билан машҳур бўлган. Ҳозирда ҳам «Бахт» — вилоятдаги энг гавжум, арзон ва олд бозорлардан бири.

Яқинда Самарқандга ўта туриб, бозорга бирров ораладим. Ҳар доим қуйиниб ва минг бир ташвишлар билан қуйманиб юргувчи жамият директори ўринбосари Мамарасул Зоировни компьютер олдида учратдим. Беихтиёр илгариги манзаралар кўз ўнгимда намоён бўлди: пастқам ва стол-стуллари илиниб турган хона, қоғоз ва турли ҳисоботлар тўла папкалар тахлами, симлари кириб-чиқиб ётган чўт ва ниҳоят, қоғозлар хирмони ичида кўзойнаги ҳамда ялтирбоши кўриниб турган бухгалтер жаноби олийлари...

Бу орасталикдан мутаассир бўлиб, ва айниқса, компьютерга тикилиб турганлигимни сезган Мамарасул ака гап бошлади:

— Ўтган йили компьютер олдик. Бу жониворнинг баҳоси йўқ экан. Ўзи кичкина бўлгани билан ичига дунёни сиғдиради. Илгари бу ерда тургувчи том-том қоғозларнинг бари унинг «мия»сига жойлашган.

— Сир бўлмаса, унинг ичида қанақа ҳужжатлар бор?

— Бунинг ҳеч қандай сирлиги йўқ. Энг аввало, унда бозорнинг паспорти мавжуд. Жамиятга тегишли барча ҳисоботларни битта тугмачани босиб топиш мумкин. Бухгалтерия ҳисоб-китоблари, бозор схемалари, жадвалли тадбирлар, ишчилар ва сотувчилар тўғрисидаги тўла маълумотлар ҳам бор бу ерда.

Мамарасул аканинг дона-дона қилиб тушунтиришлари ва малакали мутахассис сингари компьютерни жуда чаққон бошқаришларидан завқланиш асносида яна бир нарсага амин бўлдик. Бугунги кунда бозор тўла компьютер воситасида бошқарилаётган экан. Лекин биз бозор оралаб бу ерда компьютерга сиғмаган гапларни-да эшитдик. Бу гапни Мамарасул акага-да айтмасдан, қоғозга туширишга ахд қилдик.

Ҳаммаси икки сотувчининг жой масаласидаги озгина айтишувидан бошланди. Шунда ўзини тумандаги Иброҳим Каримов номли хўжаликда яшовчи Мамараҳим Алишев деб таништирган киши куйиниб гапира кетди:

— Ҳаммасига буюм бозорининг бу ерга тиқилиб олганлиги сабаб. Айтишларича, 300 га яқин жойни улар эгаллашган. Ваҳоланки, у бозорнинг рўзғори бўлак, бозорқўми бошқа. Улар анча илгари бу ерни тарк этиши керак эди. Лекин буюм бозоридагиларнинг парвойи палак. Мана, баҳор келди, пишиқчилик бошланди, бозор яна гавжумлашиши, деҳқонлар ўз маҳсулотларини бозорга пешма-деш олиб келиши, табиий.

Маълум бўлишича, буюм бозорининг ўзлари хон, қўланкаси майдон раҳбарлари жой ахтариш, ўз ҳаридорларига қулайлик яратиш у ёқда турсин, ҳатто ижара пулини ҳам тўлашмаётган экан.

«Қувонч билан ташвиш эгизак, доим ёнма-ён яшайди» деганлари шумикин? Масъулияти чекланган жамият фаолиятидан қанчалик шодланса, буюм бозори раҳбарларининг бепарво ва беғамлигидан шунчалик ажабландик. Афсуски, уларни учратолмадик. Эҳтимол, туман ва вилоят ҳокимлигидаги мутасаддилар уларни учратишар ва аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган бу масалага ечим топишар?

Эсиргап БОЛИЕВ.

Ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, боғ соҳиблари, тадбиркорлар диққатига!
Пуркагичлар керакми? Марҳамат!
«ЎЗҚИШЛОҚМАШХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ ТАРКИБИДАГИ
«AGRIXIM»
ЎЗБЕКИСТОН—ИТАЛИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИДА



ишлаб чиқарилаётган олти хил — пахтачилик-боғдорчилик учун «VP-1» русумли пуркагич-чангитгич, шунингдек, «Кариола-С-100», «ОРПД-12/М», «Аида», «Леонора», «Асусена» пуркагичларига «Ўзстандарт» агентлигидан сертификатлар берилган. Улардан саккиз йилдан бери муваффақиятли фойдаланилаяпти.

Ғўза, сабзавот майдонлари, боғлар, иссиқхоналар ва ҳовлижойлардаги дарахтлар ҳосилини турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ишончли ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, шу қулай, самарали пуркагичлардан фойдаланинг. Чорвачилик фермалари, парранда чилик фабрикаларини дезинфекциялашда, жумладан, парранда гриппига қарши курашишда ҳам пуркагичлар яхши самара беради. Тадбиркорлар бу пуркагичлардан фойдаланиб, фермер ва боғ соҳибларига агрокимё хизмати кўрсатишса, бу катта наф келтиради.

Пуркагичларни маблағ ўтказиб ёки нақд пулга сотиб олиш мумкин. Қўшма корхонада пуркагичларни тузатиб, таъмирлаб бериш имконияти бор.

Манзил: Тошкент ш., С.Машҳадий к., 210-уй.
Мўлжал: Шампан винолари заводи. Автобуслар: 16, 21,30.
Тел.: (998-71) 169-49-33, тел./факс: 169-49-44, 169-35-46.
E-mail: agrihim@mail.st.uz

РОССИЯНИНГ «НАРА» ВА ЖАНУБИЙ КОРЕЯНИНГ «SOMO» ЗАВОДЛАРИ
РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН
ЁНИЛҒИ ҚУЙИШ МОСЛАМА (БЕНЗОКОЛОНКА)ЛАРИНИ СОТАДИ.

Мосламалар сифати сертификатланган ва тўлиқ кафолатланади.
Малакали мутахассислар томонидан ўрнатиб бериш таъминланади.
Тел: (99871)144-28-44, 144-28-11, 144-28-33, 189-65-53.

Фарғона вилояти, Учкўприк тумани давлат солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатган
«Қодир» ва «Б.И.М. Диёр» хусусий фирмалари
Фарғона вилояти хўжалик судининг 2006 йил 24 мартдаги 15-06-03/2520-сонли ҳамда 2006 йил 3 апрелдаги 15-06-03/2371-сонли ҳал қилув қарорларига асосан,
банкрот деб эътироф этилди ва тугатиш ишлари бошланди.
Ушбу фирмаларга алоқадор шахс ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ҳақдор корхона ва ташкилотлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 (икки) ой муддат ичида қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:
Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, «Ўқитувчилар» кўчаси, 20-«А» уй, Учкўприк тумани давлат солиқ инспекцияси, 4-хона.
Телефонлар: код 8-(373-51) 52-7-34, 51-9-72.

DM DEMIR Тел.: 68-26-59, 184-83-25, 184-83-26.
Тел./факс 68-17-11.
E-mail: siruba@dmrgroup.com.tr mac_erdogan@yahoo.com
ШВЕЙНЫЕ МАШИНЫ ВСЕХ ТИПОВ и др. ТЕКСТИЛЬНОЕ ОБОРУДОВАНИЕ
SiRUBA
INDUSTRIAL SEWING MACHINE

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН
г. Ташкент, ул. Паркентская, 51.

ИИВ матбуот маркази хабар қилади

Гумондорлар қўлга олинди

Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида яшовчи А. Турсуновнинг ўз уйи олдида бошидан отиб ўлдирилган ҳолдаги жасади топилди. Тезкор чоралар натижасида ушбу қотилликни содир этган тўрт нафар шахс жиноятга алоқадор ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Бозордаги гиёҳфурушлик

Чиноз туманида ички ишлар ходимлари томонидан ўтказилган тадбир давомида Эски Тошкент қўрғонида истиқомат қилувчи героинфуруш Т. Муҳиддин қилмиш устида ушланди. Бу пайтда у шаҳар марказидаги бозорда чинозлик ва янгийўллик «мижоз»лари Н. Абдумажид ва Қ. Алишерга 1 кило 354 грамм героиннинг 23.800 АҚШ долларига сотаётган эди.

«Гангстер» болакай

Бухоролик Р. Раҳматова ички ишлар бошқармасига қўнғироқ қилиб, номаълум шахс унинг уйига «динамит» жойлаштирганини айтиб, сўнгра телефон гўшагини қўйиб қўйганини билдирди. Мазкур ҳолат бўйича мутахассислар томонидан аёлнинг уйида текшириш ўтказилганида ҳеч қандай портловчи модда топилмади. Кўп ўтмай, Р. Раҳматовага қўнғироқ қилган шахс аниқланди. У шу шаҳарда яшовчи 8-синф ўқувчиси А. бўлиб чиқди. Болакай ўз хонадонидаги телефонда дуч келган рақамни териб, одамлар кўнглига ғулғула солмоқчи бўлган экан.

Айни кезларда ушбу ҳолат юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

Томдан қулаган ўғри

Тошкентлик Ш. Разил ва Ф. Александрлар Чилонзор туманининг 15-даҳасидаги 14-уй томига чиқиб, «Ўздунробита» компаниясининг 16-қаватда жойлашган телефон тармоқлари хонасига кирмоқчи бўлишди. Қутилмаганда Ф. Александр пастга йиқилиб тушиб, тил тортмай жон берди. Ш. Разил эса жиноий жавобгарликка тортилди.

Заргарнинг қушандаси

Қўқон шаҳрига Фурқат туманидан келган хусусий тадбиркор З. Комиловнинг сумкасида 18 турдаги заргарлик буюмлари бор эди. Номаълум шахс уларни ўғирлаб кетди. Қидирувлар натижасида ушбу талончиликни эндигина 28 ёшга тўлган Р. Шавкат содир этгани аниқланди.

Исмоил МИНОВАРОВ,
ИИВ матбуот маркази ходими.

ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти жамоаси тарих фанлари доктори, профессор **Маъмуржон НИШОНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси театр актёри, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, Халқаро Бобур мукофоти совриндори Муҳаммадали Абдуқундузовга падари бузруквори **Абдуқундуз АҲМЕДОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди жамоаси Олий хўжалик суди ташкилий-назорат бошқармаси бошлиғи Баҳром Тешабоевга падари бузруквори **ИСЛОМ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 657. 28692 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — М. Сулаймонова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 23456